



Куч-АДОЛАТДА

2010 йил,
3 март,
Чоршанба
№ 9 (263)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Нафосат, садоқат ва фидойилик соҳиббалари



Юртимизга фаслларнинг келинчаги баҳор ташриф буюрмоқда. Бу фасл ўзига хос таровати, кўрку латофати билан бирга, бир-бирдан жозибдор байрамлари билан ҳам кўнгишларга эзгулик улашади. Ана шундай сарафроз эпкилар ўлкамизга 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини тобора яқинлаштирмоқда.

Аёли оила ва жамият гултожи, ҳаётдаги энг яқин суянчи деб билган аждодларимиз ушбу нозик хиёлат соҳиббаларига ҳамиша юксак ҳурмат-эътибор кўрсатиб келган. Бу қадриятлар бугунги кунда ҳам ўз қиёсасини тўла намоён этмоқда.

Истиқлол йилларида, бу борада шакланган азалий қадриятларимизга янгича маъно-мазмун бахш этиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, хотин-қизларнинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу йўналишда мукамал ҳуқуқий база шакллантирилди. Ушбу жабҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида 1995 йилда БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ҳуқуқий ва ижтимоий тадбирлар хотин-қизлар фаоллигини ошириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотлар жараёнида иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Бугунги кунда аёлларимиз нафақат ижтимоий соҳада, балки жамиятимизнинг барча жабҳаларида ўз салоҳиятларини тўлиқ намоён этишмоқда. Қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, илм-фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, экология сингари муҳим тармоқларда фидоикорона меҳнат қиладиган аёлларимиз фаолияти бунга мисолдир. (Давоми иккинчи бетда)

Reproduktiv salomatlik

Фарзанд — оила иқболи

...Машариф Ражабовни туман марказидаги ларнинг кўпчилиги яхши танийди. Етти нафар фарзанд: тўрт ўғил ва уч қизнинг отаси. Тўнғич қизини анча йил олдин узатган эди. Тўй олдида шифокорга мурожаат қилиб, фарзандининг соғлигини кўриқдан ўтказиб беришини сўраган. Қуда томонини ҳам шунга ундаган. Кейинчалик у барча фарзандларини ўғил-ғойил қилди.




Ота нега бундай йўл тутганлигини англаш қийин эмас. У соғлом келин-куёвдан соғлом фарзанд туғилишини чўқур идрок этган. Яқинда ота тўнғич неварасини Ватанимиз мудоаачилари сафига кузатди. Ҳарбий-тиббий кўрик ҳайъати неварасини туманининг энг соғлом, эгил ва чапдаст қадрлиувчиларидан бири сифатида эътироф этди. Ота жисмонан соғлом ва бардам фарзандни оила фари, бахти деб ҳисоблайди ва бу йўлдаги сай-ҳаракатларни юлдузи бири-бирига мос келин-куёвлар танловини ҳамда тарбиясидан бошламоқ кераклигини таъкидлайди. Бу масалада у ҳақлигини таъкидлашга ҳожат йўқ. Айримлар боланинг жисмонан бардам ва соғлом бўлиб (Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминловчи ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўйинга айланмоқда. Айна пайтда у иқтисодийнинг изчил ривожланишининг энг муҳим омди, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққий қилишда олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Тадбиркор — давлат ҳимоясида

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари яқин ички махсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Бугунги кунда соҳа вакиллари манфаатларини таъминлаш, муҳими, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бунинг ҳуқуқий заминини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Адлия вазирлиги тизимида айна шу мақсадга қаратилган зарур чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. — Иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини ҳисобланган тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидандир. — дейди **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир САИДОВ**. — Айна шу мақсадга қаратилган ҳуқуқий база тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг қонуний кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Бу уларнинг ишонч билан олға интилишига йўл очиб, иқтисодиётдаги улушини тобора оширмоқ-



да. Бу жараёнда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёз ва преференцияларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Хусусан, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолияти фақат солиқ идоралари томонидан текширилмоқда. Қонунчиликдаги баҳсли масалалар тадбиркорлар фойдасига ҳал этилмоқда. Ҳисобот тақдими эътишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга озайтирилди. (Давоми иккинчи бетда)

Huququy ma'rifat

Ававало шунни айтиш керакки, фуқаролик ишларининг судловлиги, гарчи процессуал институт сифатида тааллуқлиликка яқин бўлса-да, мутлақо мустақил процессуал институт бўлиб, ўзига хос фарқли жиҳатлари билан ҳам тасифланади. Судловга тааллуқлилик умумий юрисдикция судларига тааллуқли фуқаролик ишларининг судлар ўртасидаги тақсимотини тартибга солади.

Фуқаролик ишларининг судловга тегишлилиги

Фуқаролик процессуал қонунчиликда судловга тааллуқлиликнинг турдош ва худудий турлари белгиланган. Фуқаролик ишларининг хусусиятларига кўра, ишларнинг суд тизими турли бўғинлари ўртасида тақсимланиши турдош судловлилик сифатида эътироф этилади. Бошқача айтганда, турдош судловлилик деганда, судлар тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, му-

раккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб, фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишини тушуниш лозим. Турдош судловлилик қоидаларини белгилашда кўриладиган фуқаролик ишларнинг тури, низоининг предмети нимадан иборат экани ва тарафларнинг кимлар бўлишига қаралади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 12-мод-

даси тўртинчи қисмига кўра, халқаро, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг низоини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан Олий судга, маҳаллий жамоат бирлашмалари низоини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкинлиги белгиланган. (Давоми учинчи бетда)

Ibrat

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Мақсадимиз улуғ, йўлимиз ёруғ

Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизлар илм-фан, спорт, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб, эл-юрт равнақиға муносиб хисса қўшаётди. Айна вақтда юрт фаровонлиги, боғ-роғларнинг кенгайиши ва дастурхонимиз бараксининг ортишида ҳам уларнинг муносиб улуши бор. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасидан маълум қилишларича, ҳозир юртимизда икки минг нафардан зиёд фермер аёл фаолият юритмоқда. Уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими яратилган. Мулк соҳиббалари нафақат пахта ва галла этиштиришнинг жонқуридир, балки улар тадбиркорлиги туфайли қишлоққа замонавий технологияларни жорий этиб, янги иш

ўринлари очишмоқда. Кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват кўрсатаётган, ободончилик ишларида фаол қатнашаётган саховатпеша инсонлар сифатида ҳам эл-юрт дуосини олишмоқда. — Ўн йилдан буён «Ғулом ота» фермер хўжалигида трактор хайдайман, — дейди **Пардавой Азизов**. — Рафиқам хўжалиқда ошпаз. Хўжалик раҳбари Қурбонгул опа бизнинг ташвишимизга ҳам, қувончимизга ҳам шерик. Жамоанинг ҳар бир аъзосига меҳрибон. Оиламиз катта бўлгани боис уй-жой масаласида муаммага дуч келдик. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда фермер Қурбонгул опа бизга ва яна учта ёш оиллага хўжалик ҳисобидан турар-жой қурдириб берди. (Давоми иккинчи бетда)

Majburiyat mas'uliyati

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир шахннинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир. Албатта, бу жараёнда суд тизими муҳим ўрин туттади.

Қайтарилган даъво аризаси

Айтиш керакки, судларда ишларни кўришда нафақат судьялар, балки фуқаролар зиммасига ҳам бир қатор мажбуриятлар юклатилган. Шундай мажбуриятлардан бири амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинадиган давлат божини

тўлашдир. Давлат божи ва крлатли мансабдор шахсларнинг юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширгани учун ваколатли муассасалар ёки мансабдор шахсларнинг зарур ҳужжатларни бергани учун фуқаролар ва юридик шах-

лардан олинандиган тўловдир. Фуқаролик ишларини судларда кўриш учун аризаларни қабул қилишда, суд ҳужжатларини беришда ҳам давлат божи ундирилади. (Давоми учинчи бетда)

Эгри йўл бошни эгади

Ушбу сонда:

- 2
- 3 **Хайдовчилик масъулияти**
- 4 **Алиш Раҳмур гуруҳи**

